

ОДАМЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН "ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ" ЛОЙИХА САМАРАСИ МАҲАЛЛАДАРДА ЎЗ АКСИНИ ТОПМОҚДА



тариқасида бошланган "Ташаббусли бюджет" 2 йил ичида йирик лойиҳага айланди.

Одамларнинг ўз солиқларини ўзлари тақсимлашдаги фаоллиги эса юртбошимиз Шавкат Мирзиёевни ҳам беэътибор қолдирмади. Давлат раҳбарининг топшириғи билан жорий йилда фуқаролар ташаббусларига 3,5 баробар кўп маблағ ажратилди.

Анджон вилоятида ҳам мазкур лойиҳа жуда катта ижобий натижа бермоқда. Одамлар бу жараёнларда бевосита ўзлари иштирок этишиб, ўзлари яшаётган ҳудуднинг инфратузилмаларни яхшилаш мақсадида бир ёқадан бош чиқариб овоз беришмоқда.

Вилоятнинг Хонобод шаҳрида ҳам ватан ичра кичик ватан ҳисобланмиш маҳаллалар ободлиги ўз навбатида инсонлар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Лойиҳада ғолиб бўлган "Навоий" маҳалласида айни кунларда таъмирлаш ишлари жадаллик билан бошланиб, йўлсозлар томонидан кўчалар асфальтланмоқда.

Автомобил йўллари қўмитаси

Ахборот хизмат